МАЪНАВИЙ БЕГОНАЛАШУВНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ҲАЁТИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.Ж.Юсупова

Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти мисолида маънавий бегоналашувнинг олдини олишда тарихий шахслар фаолиятини ўрганишнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: *маънавий бегоналашув, маънавий таҳдид, маънавий жасорат, миллий қадриятлар, тарихий шахслар.*

В статье на примере жизни Захириддина Мухаммада Бабура освещена роль изучения деятельности исторических личностей в профилактике нравственного отчуждения.

Ключевые слова*: нравственное отчуждение, духовная угроза, духовный подвиг, национальные ценности, историческая личность.*

On the basis of the events of Babur's life experience the article studies the problem of moral alienation.

Key words*: moral alienation, spiritual threat, spiritual courage, national values, historical personality.*

XXI асрда ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши туфайли глобаллашув жараёни янада жадаллашиб, янги босқичга кўтарилди. Бу шароитда халқнинг миллий урф-одат, анъана ва қадриятларига четдан бўладиган таъсир ҳам ортиб бормоқда. Бу таъсир, бир томондан, миллий маданиятларнинг бойиши, қадриятларнинг юксалишига, иккинчи томондан эса миллатнинг руҳияти ва қадриятига ёт бўлган одат, маънавий таҳдид, оммавий маданият ва турли хил носоғлом ахборотларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Шубҳасиз, даврлар ўтиши билан миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар ўзгариб, янгиланиб, бойиб боради. Замон руҳига ва тараққиёт талабларига мос келмай қолган меъёр ва талаблар инкор этилади. Янгича тасаввур ва ёндашувлар, одатлар ҳаётга кириб келади. Аммо жамият аъзолари ўз маънавиятлари, миллий менталитети ва бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, келгусида улар ўзларининг келиб чиқишларини ҳам унутиб, ўз миллатларининг миллий урф-одатларию анъаналарини ҳам инкор қила бошлайдилар. Бу борада жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган салбий иллатлардан бири – маънавий бегоналашув жараёнидир. Маълумки, бегоналашув – инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва у бажарадиган вазифаси ўртасидаги азалий боғлиқликнинг бузилишидир. Маънавий бегоналашув эса инсоннинг ўз моҳиятини белгиловчи хусусиятлардан маҳрум бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топа олмаслигидир.

Маънавий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини ҳақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосида қуриш керакки, шунда ҳар бир инсон ўзини бошқалар учун ҳам керак эканлигини чин юракдан сезади. Маънавий бегоналашувнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ундан аҳоли, хусусан, ёшлар қатламини ҳимоялаш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шахснинг фаоллиги, миллат тақдири ва истиқболига бефарқ қарамайдиган илғор фикрли инсонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати талаб этилади.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмай келмоқда. Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар, халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятлари бутун башарият учун ибратли қадрият даражасида маълум ўринга эгадир. Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, тарихий шахсларнинг ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Бу қадриятлар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди. Уларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Шунингдек, миллий қадриятларда миллатнинг руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади. Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асослари, тарихий шахслар ҳаёти таянч омиллар си-

фатида намоён бўлади. Таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани аҳоли онгига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш учун турли механизмларни ишлаб чиқиш зарур. Жумладан, ёшларда маънавий бегоналашувнинг олдини олишда тарихий шахслар ҳаётини ўрганиш долзарб масалалардандир. Чунки тарихнинг яратувчиси – халқ. Шунингдек, халқнинг қалбини уйғотадиган, уни эзгу ғоялар билан қуроллантирадиган, унга ўзлигини англатадиган, ўз олдига буюк мақсадлар қўйиб яшашга ўргатадиган, миллий ғурури, азму шижоатини уйғотадиган куч – бу тарихий шахслардир. Инсонни буюк шахс даражасига олиб чиқадиган шундай тушунча борки, бу маънавий жасорат тушунчасидир. Маънавий жасорат макон ҳам, замон ҳам танламайди. У ҳар қандай вазиятда ҳам тарихий шахснинг қалбини, онгу шуурини безовта қилиб, виждон амри билан иш тутишга ундайди. Шундай инсонларнинг маънавий жасоратлари туфайли эзгу фикрлар, муқаддас орзу-ниятлар барқарор бўлиб келмоқда. Ана шундай тарихий шахслардан бири башарият ўтмишида залворли ўрин эгаллаган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур Мирзонинг халқига бўлган эътиқодию муҳаббати, инсон манфаатлари йўлида қилган фидойиликлари ёш авлод учун алоҳида ибрат мактабидир.

Бизга маълумки, юксак маънавий комиллик, юрт озодлиги, ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчан бўлиш, ўзида иродавий сифатларни тарбиялай олиш, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик ҳамда мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш каби хислатларни мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаётида устувор бўлган тамойиллар сифатида эътироф этиш мумкин [2.242]. Бундай устувор тамойилларни амалга ошириш, маънавий бегоналашувнинг олдини олишда тарихий шахслар, жумладан, Бобур Мирзодек буюк шахслар ҳаётидан ибрат олиб яшашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан Бобурнинг Агра шаҳрида олиб борган ободонлаштириш ишлари билан бир вақтда халққа бўлган меҳр-муҳаббати ва Малика Байда томонидан заҳарланиши борасидаги қуйидаги эпизод диққатга сазовор: *“Ҳиндни ободу қудратли қилмоқ орзусидамиз. Бизга ҳамкору ҳамнафас ҳинд беклари, фузалолари, ҳунарпешалари кўп. Бизни заҳарлаб ўлдирмоқчи бўлган бу маккор хоним учун энг оғир жазо шуки, биз мана, тирикмиз. <...> Малика бизнинг бундан кейинги зафарларимизни ҳам кўрсин. Ёмонликка яхшилик қилиш мард кишининг қўлидан келишига амин бўлсин”* [3.283–284]. Мазкур келтирилган далиллар ёшларда маънавий бегоналашувнинг олдини олишда муҳим манба бўла олади. Ўз ҳаётини маънавий жасорат асосига қуриш, фидойилик кўрсатиш, руҳан букилмай, ҳаёт синовларига дош бериб, буюк мақсадлар сари интилиш Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кундалик фаолият мезонига айланган эди.

Бобур тенгсиз қалб эгаси эканлиги унинг аёлларга бўлган муносабатида ҳам кўринади. Тавозеъ-мулозамат этикетининг бир кўринишини ифодаловчи биргина *юкунмоқ* феъли мисолида Бобурнинг аёлларга муносабатини кўрсатиш мумкин: “*Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштум, андин сўнг Офоқбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум”* (4.170). Бу ўринда Бобурнинг Поянда Султонбегим ва Хадичабегимга бўлган ҳурмати ва Офоқбегимга нисбатан салбий муносабати “*юкунуб*/*юкунмай*” сўзлари орқали ифодаланган. Сўз шахснинг ўзгаларга муносабати, мансаби, лавозими ҳақида маълум тасаввур беради.

Бобур Мирзо қайси шаҳар ёки қишлоққа бормасин, у ердаги боғу роғларни, унинг табиатини ўрганар, у ердаги китоблар билан ҳам танишиб чиқар эди. Мирзо Бобурдаги китобни севиш, ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб бериш каби фазилатларни ўрганиш ҳамда уларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш маънавий бегоналашувнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода Бобурнинг гўзал фазилатлари ёш авлод учун ибрат мактаби бўла олади.

Кишининг маънавияти, сўзи юксак маънавият ифодаси эканлигини биринчи Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо.

Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир” [1.8]. Бу буюк қадриятларни эъзозлашимиз, авайлашимиз ва уни тарихий ҳақиқатлар орқали ўқувчи онгига сингдиришимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдаги буюк қалб, метин ирода аждодлардан мерос бўлиб, оддий ва камтарона ҳаёт йўли, эзгу ғоялар ва бунёдкорлик билан суғорилган дунёқараши, маънавияти инсоният учун ибратлидир. Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини ошириш, унинг таъсирчанлигини таъминлашда миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг имкониятларидан фойдаланиш-

нинг ўзига хос устувор жиҳатлари мавжуд. Бу устувор жиҳатлар миллатнинг туб манфаатлари, унинг ўз ўтмишига берган баҳоси ва келажакка ишончи миллий анъана ва қадриятларда, тарихий шахсларнинг ибратли ҳаётида ўз аксини топади. Юксак маънавиятга, покиза ахлоққа, демократия тамойилларига таянган миллий маънавият жамиятни ривожланишга етаклайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: 2008.
2. Pedagogika. M.H.Toxtahodjaeva, S.Nishanova, J.Hasanboev v.b.- T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2010.- 400 b.
3. Қодиров П. Юлдузли тунлар // www.ziyouz.uz
4. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – 368 б.

Андижон давлат университети
2017 йил 26 августда қабул қилинган
(Тақризчи: доцент З.Азимова)